# ТОМОРҚА—ДАСТУРХОН БАРАКАСИ 1

## ОТАНГИЗГА РАҲМАТ

**ЛЕНИН РАЙОНИДАГИ ИЛҒОР ҚИШЛОҚ КЕНГАШИГА ҚАРАШЛИ ЯНГИЙЎЛ МАҲАЛЛАСИДА ЯШОВЧИ АБДУМАЛИККА МАКТУБ**

Ассалому алайкум, укам Абдумалик. Сиҳат-саломатмисиз? Келин Одинахоннинг кайфияти чоғми? Тўнғич фарзандингиз ўрта мактабни битириб, тикувчилик қилаётганидан хабардорман. Кўрасиз, шу қизингиздан эл ҳавас қиладиган чевар чиқади. Гулшаной, Гулнорахон, Турсунбойларнинг ўқишлари қандай? Тўхтасинбек боғчага қатнаётгандир.

Абдумалик, ўша куни мен учун ноқулайроқ бўлди. Хонадонингизга ташрифим тасодифий эди. Нега дерсиз. Ўшанда Илғор қишлоқ кенгашига бир юмуш билан боргандим. Ўзаро гурунгда шахсий томорқа ҳақида гап кетди. Кенгаш раиси Муҳаммаджон айниқса иссиқхоналар қурилиши авж олганини мамнуният билан сўзлаб берди. 60 та хонадонда иссиқхона бор экан. Қаранг-а, битта қишлоқ учун бу қувонарли-да. Шу боис уларни кўриш истаги туғилди менда.

Қишлоқ Кенгаши ёнгинасидаги хонадонга кирдик. Бахтга қарши уйда бир ёш боладан бошқа ҳеч ким йўқ экан. Лекин иссиқхона эшиги очиқ. Эгаси бўлмагач, кириш одобдан эмас. Йўлда давом этдик. Ғуломжон ва Комилжон Ражаповлар, Аҳмаджон Азизов хонадонларида бўлдик. Иссиқхоналарини кўриб ҳавасим келди. Сададек терилган помидор шохлари ҳосилдан эгилиб қолган. Кўм-кўк барглар орасида алвонланиб турган помидорни кўриб роса завқландим. Афсуски, рўзғор бошлиқлари бўлмагани сабабли суҳбатлаша олмадик. Ва ниҳоят сизларникига бурилдик.

Аввал нима гап эканини англамадингиз. Гап бир йиллик даромадингизга келганда жим қолдингиз. Сездим. Иккиландингиз. Бир вақтлар кимдир яхши даромад қилса, уй қурса ёки янги машина сотиб олса битта юмшоқ хатга ишониб текшир-текшир бошланарди. Ҳалолдан топганми, ҳаромданми, бунинг аҳамияти йўқ эди. Биласизми, у замонлар ўтиб кетди. Ҳозирги даврнинг бағри кенг ва сахий. Олибсотарлик қилмай, чайқовчилик йўлидан бормай, бировнинг ҳақига хиёнат этмай ишбилармонлик, ҳалол меҳнат билан кўпроқ даромад қилиб, яхши яшасангиз, ҳеч кимнинг иши йўқ. Фақат ғирромлик бўлмаса бас.

Лекин биласизми, Абдумалик, уйқу ўлим билан, дангасалик бахтсизлик билан баробар. Қишлоқларда шундай одамлар борки, 10—15 сотих унумдор томорқалари туриб бозордан помидор, бодринг, олма, анор олишади. Буларни қўйинг-у ош кўки нима? Тупроққа сепиб қўйилса ёз бўйи дастурхондан аримайди. Шуни қилишига бўйинлари ёр бермайди. Дангасалик, лоқайдлик, дидсизлик ҳам йўли билан-да.

Мана, сиз ҳам шаҳардан олис, чекка бир қишлоқда яшаркансиз. Мактабда навбатчилик қилиб, 72 сўм маош оласиз. Бу рўзғорга урвоқ ҳам бўлмайди. Қўлингизда гулдай ҳунарингиз бор экан. Ҳозир дурадгор усталарнинг бозори қизиган. Ёз бўйи ишлаб, 400—500 сўм топаман дедингиз. Хўш, бу ҳам 7 нафар жонни қоплайдими? Йўқ, албатта. Айтишингизга қараганда, 10 сотих ерингиз бор. Шундан бир сотихи боғ, кўча дарвозангизнинг икки томони токзор, уч сотих жойга иссиқхона қуриш учун 6.000 сўм сарфлабсиз. Беш йилдирки, ундан даромад олаётган экансиз. Эсингиздадир, шундай савол бердим:

— Иссиқхонадан қандай фойдаланасиз, нималар экасиз?

— Аввал бодринг, кейин помидор, оралиқда жўхори, — деб жавоб қайтардингиз.

Ишингиздан жуда хурсанд бўлдим. Демак, сентябрда иссиқхонага бодринг уруғи қадайсиз. 800 туп кўчат сиғаркан. Бодрингнинг бир килограмми 8—10 сўмлик пайтида ҳосил етиларкан. Декабрда уни сотишдан 4000—5000 сўм даромад тушаркан. Ўрнига помидор экаркансиз. Ундан ҳам 800 туп жойлашади. Апрель бошида ҳосил қийғос пишди. Ўшанда бир килограмми бозорда 20 сўм эди. Фараз қилайлик, бир тупи ўртача 3 килограммдан ҳосил берса, 60 сўм даромад келтиради. Ишласа бўларкан-ку. Бунақа ҳисоблашда сизни миллионер қилиб юборишим мумкин. Лекин ўзингиз айтганингиз, шу уч сотих иссиқхонада етиштирилган ҳосилдан анча-мунча даромад қилар экансиз. Ҳавасим келади сизга. Яшаётган уйингиз шаҳарликларникидан қолишмайди. «Жигули»ингиз ярақлайди. Совлиқлар қўзилаб, ўн бош бўлибди.

Яна бир ишингиздан бағоят хурсанд бўлдим. Маҳаллангиздаги деярли барча иссиқхоналарни бунёд этган ўзингиз экансиз. Қайси хонадонга кириб устасини сўрасам, «Абдумалик Муҳаммаджонов» дейишди. Яхшиликдан ташқари катта савоб эгаси ҳам бўлибсиз.

Сизники каби исисқхонани қуриш учун таниқли меъмор бўлиш шарт эмас. Уни қунт, ҳафсалали ҳар қандай одам қура олади. Бунинг учун озгина жонни қийнаш керак. Ахир «Тоққа чиқмасанг дўлона қайда» деб бежиз айтилмаган.

Дарвозангиздан кўчага чиққанимдаёқ кўз олдимга минг-минглаб хонадонлар келди. Яқиндагина томорқа учун берилган ва ёввойи ўт босиб ётган ерларнинг ҳолатини ўйладим. Йўқ, ҳаммани сиздай бўлиши керак, демоқчи эмасман. Қишлоқда яшайсанми ҳеч бўлмаганда ўз рўзғоринг учун ишлатиладиган сабзи, пиёз, картошка, бодринг, помидор ва бошқа сабзавотларни, меваларни ўз томорқангдан етиштиришинг керак-да ахир. Шунгаям яроқсиз бўлсанг бу ерда яшаб нима қиласан?! Шаҳарга бор. 9—10 қаватли биноларда яша, дегим келди.

Абдумалик, ушбу мактубни ҳавасим келганидан ёздим. Отангизга раҳмат, ука. Падари бузрукворингиз сизга қандай меҳнат қилишни чин кўнгилдан ўргатган эканлар. Бу хатни яна шунинг учун ёздимки, 10—20 сотихлаб ернинг умрига завол бўлаётганларга зора сизнинг меҳнатингиз ибрат бўлса, уларга ҳам инсоф бериб ерни қадрлашга, унинг беминнат, бебаҳо саховатидан баҳраманд бўлишга ўрганишса. Сизни ер тилини биладиган одам сифатида ҳамиша қадрлайман. Деҳқончилигингизда омад доимо ёр бўлсин!

**А. ҚОРАБОЕВ,**
**«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.**



**Чуст районидаги Карл Маркс номли жамоа хўжалигида А. Воҳидовлар оиласини ҳамма яхши билади, ҳурмат билан тилга олади. Бу бежиз эмас. Аҳил хонадон аъзолари хўжалик ишлаб чиқаришида ҳам, ўз томорқаларидан самарали фойдаланишда ҳам кўпчиликка ўрнак. Улар бир неча йилдан бери хўжалик билан шартнома тузган ҳолда 10 гектар ерни ижарага олиб, сидқидилдан меҳнат қилишмоқда. Бултур оила мўл ҳосил етиштириб, 47 минг сўмдан зиёд даромад олди. Шу кунларда эса 12 гектар майдонда экинлар сифатли парваришланаяпти.**

**Айни пайтда шахсий томорқанинг ҳар қарич еридан унумли фойдаланиляпти. Оиланинг ушбу соҳалардаги тажрибалари бошқаларга ибратдир.**

**СУРАТДА: А. Воҳидов оиласи аъзолари.**

П. ЭРГАШЕВ олган сурат.

## ТУПРОҒИ ЗАР

Республика партия ва ҳукуматининг аҳолини ер билан таъминлаш тўғрисидаги қарори халқимизнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини яхшироқ қондиришга кўмаклашмоқда. Хўш, жойларда бу соҳадаги ишлар қандай? Биз Пайариқ районидаги аҳвол билан қизиқдик.

Бу ерда бирмунча ишлар амалга оширилган. 1989 йилда уй-жой қуриш истагини билдирган 780 оилага 117 гектар, томорқасини кенгайтиришга муҳтож 2.918 оилага 350 гектар майдон бўлиб берилди. Бу йўл ўтган йили ҳам изчил давом эттирилди. 1631 оила тураржой барпо этиш учун 231 гектар ер олди. Хуллас, икки йилда жами 5.107 оиланинг аризаси ижобий ҳал қилинди.

Район асосан пахтачиликка ихтисослашган. 4—5 йил илгари 23.800 гектар ерга чигит қадаларди. Бултурга келиб бу 3 минг гектарга камайди. Аҳолига ғўзадан бўшаган серунум пайкаллар томорқа қилиб бериляпти. Айни пайтда пахтакорлар ҳосилдорликни ошириш ҳисобига ялпи хом ашё миқдорини иложи борича озайтирмасликка интилмоқдалар.

Жумҳурият Президентининг шу йил 11 январда чиқарган аҳолини ер билан таъминлаш борасида қўшимча тадбирлар тўғрисидаги фармони юзасидан районда аниқ йўл-йўриқлар белгиланган. Унга кўра, жорий йилда 1800 гектар майдон томорқа сифатида тақсимланиши лозим. Ҳозиргача 6.497 оилага 780 гектар ер берилди.

Фармон юзасидан белгиланган тадбирларнинг бажарилиши қатъий назорат остига олинган. Томорқа ерларидан фойдаланиш қишлоқ кенгашлари мажлисларида мунтазам муҳокама этилмоқда. Ҳозирги тақчиллик шароитида аҳолини бинокорлик материаллари билан таъминлаш бўйича ҳам бирмунча ишлар қилинмоқда. Бу соҳада ички имкониятдан тўлароқ фойдаланиш чоралари изланмоқда. Мавжуд 12 та хўжаликнинг ҳаммасида йил охиригача оҳак цехи қурилиб ишга туширилади. Яқин икки-уч йилда пишиқ ғишт ишлаб чиқариладиган завод барпо этиш масаласи кун тартибида турибди. Айрим хўжаликларда тадбиркорлик, уддабуронлик билан иш юритилаётгани туфайли мушкулликлар бартараф қилинмоқда. «Партия XXII съезди» жамоа хўжалигида амалга оширилаётган тадбирлар бунга ёрқин мисол.

1989 йилда ҳар бир оиланинг шахсий томорқаси 16 сотиҳдан иборат эди. Жорий йил охирига қадар бу кўрсаткични 25 сотихга етказиш мўлжалланган.

Одамларга томорқа ери берилаётганлиги, унинг ҳажми ортаётганлиги мева-чева етиштиришни кўпайтиришга сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Шуни ҳисобга олиб сабзавот ва меваларни қайта ишлайдиган кичик корхоналар қуриш режалаштириляпти.

Ишда муаммолар ҳам йўқ эмас. Ҳар қарич ердан самарали фойдаланиш бугуннинг асосий талабидир. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Оқдарё районидаги кўчатчилик давлат хўжалиги мазкур районда 500 гектар ерли бўлинмага эга. Шу майдонларнинг бешдан бир қисмида ток кўчатлари етиштирилмоқда. Қолгани эса озуқа экинлари билан банд. Ҳолбуки, бу ер унумдор бўлиб, юқорироқ самара олиш мумкин. Айни пайтда унга мутасадди бўлган икки маъмурият — район ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бу ерда мустақил давлат хўжалиги ташкил этиш тўғрисида бир битимга келишмоқда. Шундай қилинса, айни муддао.

**Ҳ. КАРИМОВ,**
**«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.**



— Ношукр бўлма, онаси, томорқа деб бергандан кейин суюниб олавердим-да.

М. УНГАРОВ чизган расм.

*Фармон ижроси билан фарз*

# ДЕҲҚОН ДАЛАСИ МУАММОЛАРИ

**Ўзбекистонда қишлоқда яшовчиларга томорқа ва якка тартибда уй-жой қуриш учун қўшимча ер участкалари ажратиб бериш май ойининг биринчи ўн кунлигида тугалланиши лозим эди. Буни жумҳурият Президентининг Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори талаб қилган эди.**

**Бу ғоят муҳим сиёсий қарордан мақсад қишлоқ меҳнатчиларининг иқтисодий аҳволини анча яхшилаш ва жумҳуриятдаги ижтимоий кескинликни пасайтириш эди.**

**ЎзТАГ мухбирлари бу қарорлар қандай бажарилаётганлиги билан қизиқдилар.**

АНДИЖОН:

### ҲАР УЧ ОИЛАДАН ИККИТАСИ

Андижон вилоят деҳқончилик-саноат уюшмасида хурсандчилик авжида. Вилоятдаги районлар ҳукумат қарори бажарилгани ҳақида бирин-кетин рапорт бермоқда.

— Йил бошидан буён аҳолига салкам тўққиз минг гектар ер тақсимлаб берилди, — деди ЎзТАГ мухбирига вилоят ижроия комитети раисининг ўринбосари, вилоят деҳқончилик-саноат уюшмасининг раиси И. Қурбонов. — Жумладан, қирқ мингдан ортиқ ёш оилага ер ажратиб берилди.

Қарор қабул қилинган кундан буён биз якка тартибда уй қуриш ва томорқаларни кенгайтириш учун жамоа ва давлат хўжаликларидан 25,9 минг гектар ерни ажратиб олдик. Бу асосан илгари пахта ва бошқа экинлар етиштириб келинган серунум суғорма ерлардир.

Юзаки қараганда бу жуда салмоқли рақам, лекин андижонликларнинг хурсанд бўлишлари учун ҳали вақт эрта. Чунки рўйхатга олинган 282,5 минг оиланинг ҳар учтасидан фақат иккитаси қўшимча ер олди.

Ҳар бир хўжаликда, район ва шаҳарда меҳнат жамоалари ва маҳаллий Советларнинг махсус комиссиялари ҳозир ҳам ишлаб турганига қарамай, иш жуда секин кўчмоқда. Бу жуда жиддий масала, чунки деҳқонлар бу йил етиштиришлари мумкин бўлган турли экинларни экиш муддати ўтиб бораяпти.

**ТАҲРИРИЯТДАН: кўриниб турибдики, Президентнинг Фармонида қўшимча ер ажратиб бериш 10 майгача тугаллансин, деб аниқ айтиб қўйилган бўлишига қарамай, Андижон вилоятида сусткашлик қилинмоқда. Бу ишда андижонликларга нима тўсқинлик қиляпти? Вилоятнинг бу иш учун масъул бўлган раҳбарларидан ана шу саволга жавоб кутамиз.**

БУХОРО:

### МУҲИМ ТАДБИР ТЎЛА БАЖАРИЛМАДИ

Деярли 220 минг оила қишлоқда қўшимча ер участкаси олди. Бунинг учун 34 минг гектардан ортиқ ер ажратилди. Шундай қилиб, 10 майга қадар топшириқ 94 фоиз бажарилди.

Бу муҳим тадбир нима учун белгиланган муддатда тўла бажарилмади?

Бухоро вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаси ер тузилиши масалалари давлат инспекциясининг бошлиғи Э. Шодиев бу саволга жавоб қайтаришга уринди:

— Президент Фармонида қишлоқдаги оилаларга 0,25 гектаргача ер ажратиб бериш тавсия қилинган. Яъни маҳаллий шарт-шароит ҳисобга олиниши керак. Худди шу масала жуда кўп келишмовчиликларга сабаб бўлди. Давлат ва жамоа хўжалигининг айрим раҳбарлари, қишлоқ Советларининг раислари бизда аҳоли зич жойлашган, ер кам деб туриб олдилар. Шу сабабли улар 0,15—0,20 гектардан ер ажратишди. Деҳқонлар эса хафа бўлишмоқда.

Қоракўл, Ромитан, Пешку районларининг чўл минтақаларида эса шу мақсадга бир гектаргача ер ажратишди. Бироқ хўжаликларнинг раҳбарлари нимадандир чўчиб, маълумотномаларда ҳар оилага ажратилган ер участкасини 0,25 гектар қилиб кўрсатмоқдалар. Яқинда ўтказилган ҳар томонлама текшириш натижасида бу ҳол аниқланди.

Яна бир муаммо бор. Айрим хўжаликларда томорқа участкалари учун пахта далаларининг увотлари ва зовур бўйларидан фойдаланилмоқда. Бу жуда яхши иш — ҳар қарич ердан оқилона фойдаланмоқ керак. Лекин гап шундаки, ана шу участкалар маълумотномаларда шахсий фойдаланиш учун берилган ер сифатида кўрсатилмаяпти.

Қишлоқ аҳлига қўшимча ер участкалари ажратишнинг афзалликларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Бозорда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг мўллиги ва нархи арзонлиги бу фикрни тасдиқлаб турибди. Икки-уч йилдан сўнг кўчатлар мевага киргач, дастурхонимиз тағин ҳам баракали бўлади.

**ТАҲРИРИЯТДАН: бирорта фармон ёки бирорта қонун ҳам ҳаёт воқеликларини тўла-тўкис кўзда тута олмайди. Улар маҳаллий шароитдан келиб чиқиб, фармон ва қонунларни ўйлаб бажарадиган кишиларга мўлжалланган. Хуллас аҳоли зич жойлашган минтақада чўпонлар ўнлаб қўйларини боқадиган чўлдагига нисбатан камроқ ер участкалари ажратилганлиги табиийдир. Қоракўлчилик — деҳқончилик эмас. Аммо Бухорода ҳукумат қарорини нима учун тўла-тўкис бажармаганликларини Э. Шодиевнинг жавобидан тушуна олмадик.**

НАМАНГАН:

### ЕР УМРИ БЕҲУДА ЎТМАСИН

Биринчи Май байрами арафасида вилоятдаги деҳқончилик-саноат комплексида юз бераётган ижобий ўзгаришларни кўрсатувчи рақам сифатида қуйидагилар келтириб ўтилди: фуқароларнинг шахсий томорқа участкалари учун ер ажратиб бериш белгиланган режанинг 90 фоизига етди. Май ойининг ўн куни давомида бу кўрсаткич атиги уч фоиз ошди. 63 мингдан ортиқ оила томорқа олди. Бунинг учун ажратилган ерларнинг умумий майдони 7045 гектарни ташкил этди. Ҳолбуки, 7600 гектар ер ажратиш кўзда тутилган эди.

— Қанчалик ғалати туюлмасин, лекин бу рақамлар маҳаллий Совет идораларининг сусткашлигидан далолат эмас, — деб шарҳлайди вилоят ижроия комитети деҳқончилик-саноат комплекси бўлимининг мудири Ҳ. Зоҳидов. — Гап шундаки, барча ариза берган кишилар талаби қондирилди. Бунда Чортоқ районида белгиланганига нисбатан 88 фоиз, Янгиқўрғон районида 94 фоиз участка ажратилди. Бунинг сабаби — аризаларнинг йўқлигидир. Ариза тушган сайин ер ажратиб бериш давом этади, албатта.

Ҳозир бизни бошқа муаммо: ана шу ерлардан қандай самарали фойдаланилаётгани кўпроқ ташвишга солмоқда. Чунки бу ерлар хусусий кишилар қўлига ўтгунга қадар озми-кўпми даромад келтирар эди. Ҳозир биз ер участкаларининг эгаларига танлаб савол беряпмиз. Бу ишни Чортоқ районида тугалладик, Янгиқўрғон районида энди бошлаяпмиз.

Узил-кесил хулоса чиқаришга ҳали вақт эрта бўлса ҳам умумий муаммолар ҳозироқ кўзга ташланиб қолди. Чунончи, таассуф билан шуни айтамизки, одамларга ажратиб берилган ерлар жуда кам фойда келтирмоқда. Азалдан шахсий томорқа билан шуғулланиб келган кишилар бу ерлардан анча самарали фойдаланмоқдалар. Қишлоқ аҳлининг кўпчилиги эса ажратиб берилган ерларни қандай тасарруф этишни ҳатто тасаввур қила олмайдилар. Ер участкалари бекор ётибди ёки фақат маккажўхори экилган.

Шундай вазият ҳам учраяпти. Ер участкаси олган кишиларнинг бир қисми бу ерларни боғ қилишмоқчи. Фақат уч-тўрт йилдан кейингина дастлабки ҳосил олинади. Мева кўчатлари орасига эса ҳеч нарса экилмаган. Биз бундай ҳолларга тез-тез дуч келмоқдамиз: участка эгаларидан бири томорқасида ўн минг сўмга қадар даромад олишга муваффақ бўлди, қўшниси эса зўрға 500 сўмлик маҳсулот сотди.

**ТАҲРИРИЯТДАН: наманганлик мухбиримиз ўртага қўйган муаммони жумҳуриятнинг бошқа вилоятларида ҳам учратиш мумкин. Ерни ажратиб, унинг умрини бекор ўтказишдан нима фойда? Биз суғориладиган минглаб гектар унумдор ерларни «дам олдириб» қўядиган даражада бой-бадавлат эмасмиз. Бундай хўжасизликнинг олдини оладиган воситаларни кўзда тутиш зарурга ўхшайди.**

**Иккинчидан, кенг тушунтириш ишларини олиб бориш, деҳқонларни уруғлик билан таъминлаш керак. Умуман деҳқонларга оғизда эмас, балки амалда ёрдам бериш лозим.**

**Қишлоқ меҳнатчиларига қўшимча ер ажратиб берилгач, биз дуч келган яна бир муаммо ҳақида Қашқадарё вилоятидаги мухбиримиз ҳикоя қилади.**

ҚАРШИ:

### БИНОКОРЛИК МАТЕРИАЛЛАРИ КЕРАК

Нишон районидаги «Пахтаобод» давлат хўжалиги ижарачи пахтачилик жамоасининг бригадири Р. Тошболтаев деярли ярим йил ичида ўзига уй қуриб олди.

— Ҳамқишлоқлар ёрдам беришди, — дейди у. — Ҳашар қилиб пойдевор ётқиздик, деворларни тикладик.

Давлат хўжалигининг марказий қўрғони қадимий тарихга эга. Лекин бу ерда ҳеч қачон қурилиш ҳозиргидек кўп бўлмаган эди. 350 оила — хоҳлаганларнинг ҳаммаси ер участкаси олди. Хуллас, ҳамма мамнун. Айниқса, ёш келин-куёвлар мамнун бўлишяпти. Улар қишлоқ Советида имтиёзли шартлар билан қарз олишлари мумкин.

Бироқ қувончли тахминларга вақт эрта. Ўша Р. Тошболтаевнинг ўзи кези келганда хўжалик ва қишлоқ Совети раҳбарлари шаънига аччиқ гапларни айтиши мумкин. Ахир, уйни пишиқ ғиштдан қурмоқчи эди, иложи бўлмади. Бинокорлик материалларини қаердан олсин? Тахта, ромлар ва бошқа дурадгорлик буюмлари учун, ҳатто тўсинлар учун ортиқча ҳақ тўлашга мажбур. Тўғри, шифер топишда омади келиб қолди, маҳаллий ҳокимият идоралари ёрдам беришди.

— Ҳамма шахсий хўжаликларнинг эгалари худди шундай қийинчиликка дуч келмоқда, — деди шахсий ёрдамчи хўжаликлар вилоят уюшмасининг раиси Ф. Ҳафизов. — Шу сабабли одамларнинг тез орада янги уйларга кўчиб ўтиш умиди сўнмоқда.

Бу аҳволдан қандай чиқиш мумкин?

Ф. Ҳафизов вазиятни баҳолаб, ўз бинокорлик индустриямизнинг базасини ривожлантириш лозимлигини таъкидлайди. Тақлид қилса арзугулик намуналар бор. Чироқчи районида ғишт заводи иш бошлади. Қарши районидаги «Ленин йўли» давлат хўжалигида сирғалувчан қолиплар ёрдамида тезкор усулда уй қуришни ўрганиб олишди. Шу хўжаликда ғишт ишлаб чиқариш йўлга қўйиляпти. Шаҳар яқинидаги «Коммунизм» жамоа хўжалигида ҳам ғишт ишлаб чиқарадиган цех ишлай бошлади. Қарши районидаги хўжаликлараро бўрдоқичилик пунктида ўз эҳтиёжлари учун оҳак тайёрлашни ўрганиб олишди.

Қарши райони раҳбарлари барча хўжаликларда бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи бўлишяпти. Ёғоч-тахта билан боғлиқ энг ўткир масала ҳал қилиняпти. Шу йилдан бошлаб Иркутскдан ёғоч-тахта келтирилади.

Бироқ ҳамма жойда ҳам ер участкаларидан оқилона фойдаланилмаяпти. Маҳаллий ҳокимият идоралари бундай ҳолларга нисбатан талабчанроқ бўлишлари, қишлоқда ўнлаб йиллар давомида тўпланиб қолган масалаларни тезда ҳал этишлари керак. Одамлар томорқа участкаларига сармоя сарфлашдан қўрқмайдилар. Иш фақат бинокорлик материалларига қараб қолмоқда.

**Текширишда ЎзТАГ мухбирларидан К. НИЗОМОВ, И. САФАРОВ, В. ШУМАЙЛОВ, Н. ХЎЖАЕВА қатнашдилар. Телетайп олдида Ю. БОНДАРЕНКО навбатчилик қилди.**

